

КИШЛОК ЖУМЎЎЯТИ

1991 йил 30 май

ПАЙШАНБА

№ 102 (5. 144)

БАҲОСИ 8 ТИЯН

Ўзбекистон Коммунистик партияси
Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМЎЎЯТИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ВETERANЛАРИ КЕНГАШИНИНГ BARЧА VETERANЛАРГА ВА VETERANЛАР ТАШКИЛОТЛАРИГА МУРОЖААТНОМАСИ

Кўп миллатли жумҳуриятимиздаги уруш ва меҳнат ветеранлари, азиз ва муҳтарам оқсоқолларимиз!

Бизнинг муқабал заминимизда, дёрминизнинг кўп тармоқли хўжалигида, ҳаёт-мамоти-чиз негиз бўлиши иқтисодийётимизда пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик, галлакорлик, сабзавотчилик ва поливчилик энг зарур ва энг муҳим соҳалардир.

Агар шу соҳаларда биз мўлжалдаги ҳосил ва маҳсулотни ола билсан, юртимизда тўқинчилик, фаровонликни, халқимизнинг юқори турмуш даражасини таъминлаган бўламиз.

Шу олий мақсадни дилларига жо қилган деҳқонларимиз 1991 йилги қуруттойларда пахта, галла, сабзавот, полив, узум, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан пухта режалар асосида мажбурий қабул қилдилар.

Жумҳуриятимиз колхоз ва совхозлари, фермер хўжаликларини, жами қишлоқ ахли чорва қишлоқини кўнгилдагидек ўтказдилар, кузги-қишги жами ишларни ўз вақтида бажардилар. Қўнламлиги ишлар ҳам ўз вақтида бошланди.

Бирок ноқулай келган об-ҳаво шароитида, бир ой давомида турли воқалар, вилотлар, ноҳияларда қутирган довул, жала, тошқинлар оқибатида экинзорларга, яйловларга, поливлар ва боғ-роғларга жуда катта зиён-заҳмат етди.

Айниқса, ҚҚМССН, Фарғона водийси, Хоразм, Бухоро, Жиззах ва Сирдарё вилотларида табиат офатидан зиён-заҳмат беҳисоб дид. Самарқанд вилотининг беҳисоб Гузал боғлари пахтаюн бўлди, экинзорлари ва поливларини сел-тошқинлар эзиб юборди, довул-бўронлар дов-дарахларни синдириб, ниҳолларни қўриб юборди.

Шу оғир, тақдирли кунларда Ўзбекистон раҳбарияти юртимиз бошига тушган офат оқибатларини тугатиш, деҳқонларимиз кулфатини енгиллаштириш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Лекин, ҳақиқатнинг юзига тик боқиб, раҳматийлик, чин сўзини баралла айтиб билиш— ҳақиқатнинг фаилатидир. Ҳақиқат шундан иборатки, аҳвол жуда оғир. Табиат офатлари оқибатида юзага келиб чиққан муаммолар беҳисоб. Ҳар қачонгидай, бу гал ҳам биз, ветеранлар — элимизнинг фидойи оқсоқоллари майдонга чиқишимиз, меҳнат жаҳосининг олдинги сафларига бўлишимиз қарз ва фардидир.

Кенса, тақрибкор деҳқонлар белни маҳкам боғлаб, фанат сўзда эмас, ишда-далада, боғда, поливда, яйловда навқирон ёшлар би-

лан ёшма-ён туриб, оғир аҳволни ўнглаб юборишда жонбозлик кўрсатишлари айни мўлжалдир.

Жумҳурият уруш ва меҳнат ветеранлари Кенгаши ҳозирги жиндий синов кунларида, дала ва яйловларда умумхалқ ҳашари уюштириши, зарур бўлган дақиқаларда ўзининг бошланғич ташкилотларига, ноҳия, шаҳар, вилот бўлинмаларига, жами шў-баларига мурожаат қилиб, барча оқсоқолларни 1991 йил ҳосилни сақлаб қолиш учун, дала, боғ ва яйловлардаги аҳволни ўнглаб олиш учун уюшиб сафарбар қилишга даъват этади.

Муҳтарам отахонлар ва онахонлар! Бунақа муҳим табиий офатлар бизнинг муқаддас заминимизга биринчи марта келмаётгани йўқ. Сиз, узоқ ва баракали умрингиз давомида бунақа офатларни кўп кўрингиз ва бундай қийинчиликларни енгиб ўтишда бой тажриба орттирдигиз. Сиз деҳқончилик соҳасида илгор тақрибларини, агротехника кашфиётларини ишга солиб, экинлар ривожини 15—20 кунга ва бундан ҳам кўпроқ муддатга тезлаштиришга муваффақ бўлгансиз.

Ветеран пахтакорлар, чорвадорлар, галлакорлар, сабзавоткорлар, боғбонлар, моҳир оқсоқол механизаторлар!

Сизнинг сўзингиз, тақриббангиз, амалий намунангиз элга, қишлоқ ахлига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ керак бўлиб қолди. Белни маҳкам боғлаб, далага, яйловга, шийонларга, ёшлар ҳузурига йўл олингиз, элга, авлодларга мададор бўлингиз!

Пиллакорларга мададор бўлингиз, ахир пилла — далагаримиз, ҳосилмиз қалдирғочи, илк ва баракали даромад манбаи.

Эртаги сабзавотга, мевага, далаю боғ-роғларнинг маҳсулотига миллионлаб кишилар интизор. Чақнон ва чақидат ишлайлик, бозорларимиз тўлиб кетсин, арзончилик бўлсин.

Муҳтарам қурувчи оқсоқоллар!

Табиий офатдан жароҳатланган биноларни, уй ва фермаларни тез ва со тинлашда қишлоқ бинокорларига мададор бўлингиз!

Хуллас, иш кўп, вақт энг, дам ганимат. Дақиқалар соатларга, соатлар кунлар, ҳафталага тенг.

Жумҳурият уруш ва меҳнат ветеранлари Кенгаши мазкур мурожаатнома жами ветеранлар ташкилотларида дарҳол муҳомада этилишига, деҳқонларимизга, халқимизга маънавий жиҳатдан мададор бўлишига қатъий ишонлади.

Ўзбекистон ССР уруш ва меҳнат ветеранлари Кенгаши

ПИЛЛА ХИРМОНИГА БАРАКА



Куvasойдаги «Шарқ юлдузи» давлат хўжалиги пиллакорлари водийда биринчи бўлиб зафар маррасини қучишди. Ипак дургани бозорда 70 оғлақ тақсимланди. Улар ўзларига бириктирилган кўрт парваринини кўнгилдагидек ташкил етдилар. Барлар ўз вақтида олиб келиниб, жониворларга едирилди. Мутахассисларнинг тавсияларига риоя қилинди. Эндиликда 3 тоннадан ортқ кўнма тола эл хирмониға армузон этилди.

Айниқса, хўжалиқнинг бош ҳисобисини Қўрбонали Мамажонов бошчилигида икки кўрт кўртин Мўстабархон Хўшвақтова, Рўзвоноб би Доимовлар меҳрла ар-

СУРХОНДАРЁ ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Сурхондарё пиллачилари Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларидаги ҳамкасбларидан ўзиб, шу йилги режадан бажардилар. Вилот қабул лизитларига 1345 тонна давлат буюртмасида белги-лангандан 15 тонна кўн пилла тоштирилди. Бу йилги баҳорнинг оғир шароитида кўнгина авеновлар ҳар қўн уруғдан 90—100 килограмм ва ундан ҳам кўн пилла олдилар.

Кўрт боқиб давом этмоқда. Умуман вилотда режа бажариб бўлингандан кейин кўрт боқиб кечроқ бошланган Бойсув ва Сарисий районларининг тоғли зоналари хўжаликларини пилла тоштиришга кўришди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, яна камида 155 тонна пилла тоштирилади.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН»ДА УЧРАШУВ

Шаҳар ёки қишлоқда яшовчи ҳар бир киши Ўзбекистон ССР Президенти Ислам Абдуганиевич Наримов билан учрашиш, у билан республикадаги ишларнинг аҳволи тўғрисида суҳбатлашиши мумкин. Бунинг учун фақат 30 май кунини кечқурун телевизион қўйиш керак. Қўлай вақтда — соат 19 дан 30 минут ўтганда Ўзбекистон телевиденисининг биринчи программаси ва марказий телевиденисининг биринчи программаси орқали кўрсатиладиган машҳур бўлиб кетган «Сенсий мулоқотлар» кўрсатувида Ислам Абдуганиевич Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши, партия комитетларининг миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш борисида қилётган ишлари, иқтисодийётда, сибсатдаги устўй ётулашлар, хориний мамлакатлар билан алоқават тўғрисида гапириб беради.

Бу — Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов иштирокндаги иккинчи ана шундай кўрсатувдир. У рамзий равишда «Ижтимоий чегарасида» деб аталади.

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

28 май кунини СССР Вазирлар Маҳкамасининг В. С. Павлов раислигида ўтган мажлисида Ўзбекистон ССРнинг қўнғина жойларига юз берган табиий офат оқибатларини тугатиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов зарар қўрган жойлардаги вазият ва республика ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берди.

Ўзбекистон ССРга, жаборланган аҳолига моддий-техник ваий, молиявий ва озиқ-овқат билан зарур ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Табиий офатдан зарар қўрган иншоотларда қурилиш ва тугатиш-тиклаш ишларини олиб бориш учун тармоқларга тул маблағи, капитал маблаг ва моддий-техника ресурсларини ажратиб қўзда тутилди. Аҳолига бинокорлик материаллари, санитария-техника буюмлари ва бошқа ускуналар сотиш кўпаяди. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммолари кўриб чиқилди.

Қўнғина равишда қўн та сўт маҳсулотлари, ун, қанд-шаккар, боғлар оқибатлари ва бошқа халқ истеъмол моллари етказиб беришга қарор қилинди.

Ўзбекистон ССРдаги жамоа ва давлат хўжаликларига, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларига қўнган зарарларни ўрнини қоплаш учун қўнғина сугурта маблағлари ажратилди. Аҳолига, ижарачиларга, шахсий томоққа хўжаликларининг эгаларига бир йўла туланадиган моддий ёр-

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ КЎКЧАТОВДА БЎЛИШИ

КЎКЧАТОВ (Қозғистон ССР), 28 май. (ҚозТАГ — ТАСС махсус мухбирлари). СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев бутун бу ерда келди.

Аэропортда уни Қозғистон ССР Президенти, Қозғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Н. А. Назарбаев, Қозғистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Е. М. Асанбаев, Қозғистон ССР Бош вазир У. Қ. Қараманов, халқ депутатлари Кўкчатов вилот Советининг раиси, Қозғистон Компартияси вилот комитетининг биринчи котиби Ч. М. Абутолипов, жумҳурият, вилот ва шаҳарнинг бошқа раҳбарлари кутиб олдилар.

Миллий кийимларни кийган қизлар М. С. Горбачевга аниқнавий нон ва туз тутдилар.

Кўкчатовликлар аэропортдан келадиган йўлда меҳмонини самимий кутдилар. Тўхтаган пайтларда улар Президентга Иттифоқ шартномасини тайёрлаш қандай бораётгани, мамлакатдаги аҳвол, иқтисодий тағлиқдан чиқиб йўллари ҳақида саволлар бердилар, ўз ишлари ҳақида гапирдилар.

М. С. Горбачев журналистларнинг Қозғистонда келиш сабаблари тўғрисидаги саволларига жавоб қайтариб, жумҳуриятга таъшир буюриш тўғрисида аниқ айтиб берган вадасини бажараётганини айтди. Мамлакат иқтисодийётда Қозғистон катта ўрин тутди. Республика меҳнаткашлари кўн миллатли давлатимизни мустақамлаш учун кўп иш қилмоқдалар.

СССР Президенти В. И. Ленин номи майдонда совет давлати асосини ёдгорлиги пойга гуллар қўйди. Шу ерда Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийлари билан учрашув бўлди.

М. С. Горбачев жумҳуриятдаги энг катта мағазинлардан бири — «Сне-

горье» кооператив мағазинини кириб кўрди. Унинг савдо майдони 570 квадрат метр бўлиб, йиллик чакана товар обороти ҳажми 4,5 миллион сўмдан ошади.

Мағазин пештахталарида хилма-хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бор. Москвалик сичқоч меҳмонлар дудланган колбасанин тўқизи нави, қайнатиб тайёрланган колбасанин ҳам шунча тури борлигини санаб чиқдилар. Пештахталарда бошқа маҳсулотлар ҳам етарли. Улар кооператив нархларда сотилмоқда.

— Бу мўл-кўллик Президент келиши шарафигами? — деб сўради хариidorлардан.

— Йўқ. Бизда савдо яхши йўлга қўйилган. Нимаки етиштирсан, ҳаммаси пештахталарда бор.

Кўкчатов вилотини жумҳуриятнинг кўриқ ерларда энг барқарор ҳосил олаётган асосий галлакор вилотларидан биридир. Вилот иқтисодийети гўш ва сўт чорвачилиги ҳисобига ривожланоқда.

Жомонтуз район махсус хўжалиқлари бирлашмаси бунга яхши мисол бўлади. Шунини айтиш қийноқи, ўтган йили бу ерда 707 тонна гўш таёйрланди, соф фойда салкам 1,3 миллион сўмни ташкил этди.

Бу ерда М. С. Горбачев кўннинг иккинчи ярында келди. У ижарачи жамоа бригадирини Н. В. Моисеевнинг оиласида бўлди. Н. В. Моисеевнинг ва хўжалиқдаги ишчилар ҳамда мутахассисларнинг яна 26 оиласи кенг ва шинам уйларида яшамоқда. Вақти келиб қишлоқ ахли ҳаммаси ана шундай уйларида яшайди.

СССР Президенти бригадир билан суҳбатда ижарачи жамоадаги ишларнинг аҳволи билан қизиқди. У қишлоқ ахли қўнлаётган хўжалик юриштишини янги шаклини маъқулади.

Уларнинг иши яхши бор-

моқда. Ўтган йили бригада ҳар гектар экинзордан 20 центнердан кўпроқ дон ва 254 центнер мажмаъхўри кўнпояси олди. Бунинг натижасида ижарачи жамоанин молиявий аҳволи яхшиланди: соф даромад чорак миллион сўмини ташкил этди.

Моисеевларнинг шахсий томоққаси ҳам яшнаб турибди.

М. С. Горбачев қишлоқни қуриш қандай бораётгани билан танишди, деҳқонларнинг турмуш шароити билан қизиқди, дўконларда, маънавий хизмат уйда бўлди.

Кўкчатовликлар маҳсулот етиштиришда юксак натижаларга эришиш учун ишини ташкил этишининг барча усулларини ҳам яхши деган қондага амал қилиб, хўжалик юриштишини турли шакллариини қўнламоқдалар. М. С. Горбачев ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар Шучековский давлат хўжалиқига бўлган вақтларида бунга ишонч ҳосил қилдилар. Бу ерда барча жамоалар ижара усулида ишлamoқда. Ўтган йили самарали меҳнат 4,5 миллион сўм соф фойда келтирди.

Умумий муваффақиятга А. Я. Гардер ва унинг бригадаси аъзолари салмоқли ҳисса қўшдилар. Жамоа 6 минг гектар майдонда биринчи класс уруғлик дон етиштирди. Ҳар бир меҳнатчи ҳисобига 60 минг сўмлик маҳсулот етиштирилмоқда. Бригаданин банкда ўз ҳисоб варақаси бор, унга 900 минг сўмдан кўп пул қўйилган. Одамлар ерда ўзларини тула ҳуқуқли хўжалик деб ҳис этмоқдалар.

...Ана шу бригаданин дала шийлонда СССР Президенти келадиган кунда ижарачилар, фермерлар, кооператорлар, вилот районоларининг раҳбарлари тўпландилар. Бу ерда қизилқар ва фойдали суҳбат бўлди.

Бу йил баҳорнинг салқин ва серёғин келиши далаи майдонларда етиштириляган галла ривожига ривож қўшди. Ангор райондаги Мамадулло Азизов номи жамоа хўжалиқининг қўнлоқ галлазорларида биринчи марта мўл ҳосил етиштирилди. Аму ҳосилнинг енгил шобласи тўғрисида вазирлик чақиралган бўлиб бошоқлар бундан далолат бериб турибди. Хўжалиқнинг Қўнлоқ Колмурадов бошлиқ галлакорлари даласида айниқса ўзгача фойда хўжирди. Вақтида озиқлантирилиб, ун маротаба сугорилган арпа белга уради. Галлакорларнинг биргина дон эмас, мўл-кўл сомон йиғиштириб олинларига ҳам шубҳа йўқ. Май ойдаги ёнғинларнинг экин ривожини тезлаштирди. Жамоа аъзоларининг ҳозирги ҳисоб-китобига кўра, 160 гектар майдонда режадаги 28 центнер ўрнига 30 центнердан хирмон кўтариш мумкин.

Кўн-кеча хўжалик галлазорларига қойиллар олиб кирди. Тўртта агрегатин юксак унум билан бошқарган Норқўрқор Собиров, Ҳамро Жўраев, Қўсоат Алиев, Шоймардон Холиқовлар ўзаро мусобақа асотида меҳнат қилишарти. Галла ўрнини икки сменада ташкил этиш, пешкадаларни тез-тез рағбатланти-

ГАЛЛАГА ЎРОҚ ТУШДИ

риб бориш кўзда тутиляпти. Бултур бир гектар майдондаги ҳосилни янчадан қолбайчиға саккиз сўм иш ҳақи туланган бўлса, амалдаги йилда эса бу кўрсаткич йилгига сўмини ташкил этади.

— Машинада пахта терган механизаторга бир тонна ком ашё учун йилгига сўм иш ҳақи берилади, — дейди Норқўрқор Собиров. — Қойбайчиға ҳам осон эмас. Йилгига бир гектар ердан уч тонна дон янчиб, автомашинани агардангиз учун (барча қўнғиначилар билан) саккиз сўм атрофида ҳақ туланади. Менгича қойбайчиғага ўрилган майдон учун эмас, бункидан агардангиз ҳосил миқдорига қараб ҳақ белгилашни керак. Бир тонна донга ўн сўмдан ҳақ тулганда ҳам қойбайчиғалар руҳи кўтарилган, иш унуми ошган, ўрнини қисқа муддатларда тугаллашга йўл очилган бўларди.

Эҳтимол, ҳосилни йиғиштириб олиш бурунги йилларга нисбатан бир неча кунга кечикётган жорий йилда ҳам тўнлашнинг эскирган тўртинчи керакдир. 160 гектар майдондаги арпаин ўн кунда ўриб олиш, ҳосилдан бўшган майдонларга мажмаъхўри, сабзавот ва полив маҳсулотлари жойлаштириш мўлжалланган ҳозирги тизим вақтдан ютишининг барча ижтимоийларини ишга солиш зарур.

...Кенг пайкали ўрнининг дастлабки қундамоқ юксак унум билан ишлатилган қойбайчиғанин гулдурсан қўнлаш. Қўнлиги сомон қилиб атрофини қузатаётган бригада етакчисини Қўнлоқ Колмурадовнинг қўнғини чегенди. Агрегатлар бунки бир бориб келишдаёқ донга тўлмоқда. Дала бошида навбат кутиб турган автомаши-

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг бешинчи сессияси 1991 йил 12 июнь кунини Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиш мўлжалланмоқда:

1. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг иш тартиби лойиҳаси тўғрисида.
2. «Сувверен давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартнома» лойиҳаси ҳақида.
3. «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида.
4. «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Туркменистон Совет Социалистик Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида.
5. «Омавий ахборот воситалари тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Кўнун лойиҳаси ҳақида.
6. «Ўзбекистон ССРда вилот эркинлиги тўғрисидаги Қўнун лойиҳаси ҳақида.
7. «Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги Қўнун лойиҳаси ҳақида.
8. «Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисидаги Қўнун лойиҳаси ҳақида.
9. «Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисидаги Қўнун лойиҳаси ҳақида.
10. «Йўл ҳаракати қондларини бузулгани учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қўнун лойиҳаси ҳақида.
11. «Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши маънат комиссияси ва комитетлари тўғрисидаги Қўнун лойиҳаси ҳақида.
12. Ўзбекистон ССР Президентининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Қут-барака сарчашмаси

СИФАТЛИ ИШЛОВ
НИҲОЛНИ ЯШИТАДИ

Шу кунларда жумҳуриятнинг пахтакорлари ҳаётида қизғин дамлар давом этаёпти. Бугунги ҳаракат ҳосил тақдирини белгилашнинг яхши билган деҳқонлар ғўза парваршини маромида олиб боришга интилоқдалар. Қўлакнинг охириги ойи серёғин келганлиги уларнинг ташвишига ташвиш қўшди. Мазъулиятни чуқур ҳис қилиш, табиий офат оқибатларини тегақиб бартараф этиш, ҳар туп ниҳолни авайлаб-асраб ўстириш ҳозир ҳар қачонгидан кўра муҳимдир. Пахтакор районидagi Кичанов номи давлат хўжалиғи меҳнаткашлари ишнана шундай йўлга қўйишмоқдалар. Бу ҳақда хўжалик бош агрономи Нормурод ҲУСАРОВ мухбиримизга шуларни гапиради берди.

варини Бектемир Тўхташев, Эшқул Оқмуродов. Сандазим Иброҳимов бошлиқ бригадаларда, айниқса намунали олиб борилмоқда. Меҳанизаторлар ўртасидаги меҳнат баҳсида Комил Чўлтоев, Нурилла Муродов, Мурсурмон Эсонбоев, Наримон Мамаюсов, Носир Ёқубов сингари моҳир техника ишловкорлари кўпчиликти ўрнатди. Уларнинг ҳар бири кўлтиватор билан кунига 8—10 гектар майдондаги кўчакларга ишлов беришарди.

Бу йилги шаронт турли зараркунанда ва касалликлар кўпайишига имкон яратяпти. Пахтакорларимиз хўшёрликни янада оширишмоқда. Биз зараркунанда ҳашаротларга қарши биологик усул билан курашаримиз. Ҳимизнинг чоргоқ биологикаларимиз бор. Унда олтинқўза, ҳабробранок каби фойдали ҳашаротларни етиштиришимиз. Бу соҳада муаммо ҳам йўқ эмас. Масалан, шакар топиш қийин бўлаяпти. Район «Сельхозхимия»нинг биофармасия ходимлари бу масалада ёрдам беришса, деган умиддамиз.

Эрта-индин экинга дастлабки сув тарабини бошлашимиз. Ҳар 100—120 метрдан ўқариқлар олдик. 15 гектар пахтазорга биттадан сувчи тайинланди. Сўғориш пайкалинг ва ғўзанинг ҳолатига қараб бажарилади.

Бултур хўжалиғимиз чўлқувларни ҳар гектар ердан 27 центнер ўрнига 32,5 центнердан ҳосил саранжомлаб, қабул пунктларига 9.000 тонна ўрнига 10.800 тонна сифатли хом ашё топширишганди. Бу йилги ержа — 8.900 тонналик хирмоё уйиш. Лекин заршўноларимиз ялпи пахта миқдорини бундан оширишни кўзлашарди. Шу ниятда ҳозирдан бутун куч ва имконият ишга солинмоқда.



Киров ноҳияси хўжаликлариде бошоқли дон ва маккажўхори етиштириладиган майдонлар кенгайтирилди. Хусусан дон учун 1089 гектарга маккажўхори экилиб, барча майдонларда уруғнинг тенис унчи чўқини таъминланди.

ҚАҲРАБО ДОН
КЎПАЯДИ

паҳлавон экинни биринчи комплекс ишловдан чиқариб, парваршининг қизғин палласига кирдилар. Бу йомуш «Партия XX съезди» давлат хўжалиғининг Б. Тусматов бошлиқ бригадасида намунали олиб борилаяпти. Бригаданинг 39 гектардаги маккажўхори ниҳоллари барвақт ривожланимоқда. Тажрибали меҳанизатор О. Мелиқўзаев иш сифатига жиддий эътибор бераётди.

А. ҲОҚОВ.



Бунда А. Рашидов, М. Эшқувватов, Х. Элмуродов, Ш. Жўраев, С. Жумаев каби меҳанизаторлар пешқадамлик қилишмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Моҳир тракторчи М. Эшқувватов ва бригада сарқори Ю. Дониёв. 2. Урим пайти.

Ш. СУЛТОНОВ олган суратлар.

— Мен ушбу хўжаликда ишлаётганимга 16 йил бўлаяпти. Узоқ вақт бригадирлик қилдим. Уч йилдан бери бош агрономлик вазифасида ишлаётиман. Ана шу йилларда деҳқончилик учун ҳар хил шароитни қўрдим. Табиат бир йил сийласа, иккинчи йилда пахтакор иродасини синовдан ўтказарди. Жорий кўлакда ҳам шундай бўлди. Аввалига об-ҳаво таътилик кўрсатиб, экин-тиқини қўлай муҳитда ўтказишга кўмаклашди. Хўжалиғимиз чўлқувларни чигит қадашнинг муваффақиятли тугалладилар. Мавжуд 3.310 гектар майдонга қирғица селля ердамида ўн бир иш кунини уруғ ташларди. Деҳқонларимиз С—9070 нав гўзанинг агро-техникасини яхши ўзлаштиришарди. Шу босқичдан чигит туپроқнинг табиий нажда бир текис кўнартириш олинди. Ятаналаш узоққўлик билан ташкил этилди. Тўлиқ гектарлар яратилди.

Шундан сўнг меҳанизаторларимиз чопиқ тракторларни пухта шайлаб, далага миниб чиқдилар. Қатор ора-ларига ишлов беришга 70 та кўлтиватор жалб қилинди. Уларда ишчи қисмлари тўғри ўрнатилишига, жуякларнинг сифатли юмшатишига эътибор қаратилди. Хуллас, дастлабки култивация қисқа муддатда тавомланди.

Шу ўринда бир тажрибани айтиб ўтмоқчиман. Ҳозир пайкалларда бегона ўт

йўқ. Бунинг боиси шуки, экин олдиндан далага сув берамиз. Шунда ёввойи ўт кўкариб чиқади. Сўнг яхшилаб чизелаймиш. Майсалар ноубуд бўлади.

Экинга иккинчи марта ишлов бериш аммофос билан ўтказиларди. Кўтилмаганда бошланган уст-устга ёғингарчилик парварини маромини бузди. Кучли ёғин, жала бизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Айрим пайкалларда ғўза ниҳолларига зарар етказди. Деярли ҳамма майдонлар наққоқ остида қолди. Ёғин-сочин тугали билан кўчат туپларининг бўғзини юмшатишга, қатор ораларини сифатли култивация қилишга киришдик. Бу йомушлар ниҳоятда аҳтиёткорлик билан амалга оширилди. Чунки ятаналашдан кейин қолган ҳар бир туп ҳисобда эди. Айни кезларда экин парваршини яна кизитиб юбордик. Ҳаво иситиб, туپроқ ҳарорати кўтарилган сайин ниҳолларнинг остини тез-тез юмшатиб, илдирилган озуқа ва ҳаво билан етарлича таъминлашга шаронт яратиб керак. Деҳқонларимиз ана шунга интилоқдалар.

Хўжалиғимизда иш тўлиқ пузат усулида йўлга қўйилган. Бундай шароитда ҳар ким зиммасидаги вазифани ўзи билди бажаравари. Шунинг учун иш сифатини текшириш, танбеҳ бериш кабиларга ҳожат йўқ. Шу кеча-кундузда ғўза пар-

ХУШҲАБАРЛАР

Юртимизда ишбилармон, удабурон кишилар кўп. Исмомил Асадов ана шулардан бири. У ялғари Навоий сўз завоидининг Қизилтепа районидagi филиалда бошчилик қиларди. Шу йилнинг февралдан кичик қорхона ижарига олди. Сўз заводи билан 5 йил муддатга шартнома тузди. Илгари режанга бир нави бажариб келган бу қорхонада ҳозир йиллар юришиб кетган, эришилётган ютуқлар салмоқли. Шартнома асосида ҳар ойда 200—220 тонна сўт маҳсулотлари етказиб берилиши керак. Бу кўрсаткич 270—280 тоннага етказилаёпти. Қорхонада тайёрланаётган қаймоқ, сметана, бринза, творог, сарёғ каби ўн турдаги маҳсулотлар Навоий, Учқудуқ, Зарафшон шаҳарларига ҳамда Қизилтепа, Қонимек районлари аҳолисига етказиб берилаяпти.

— Ижара усулига ўтишга, маҳсулот сифати яхшилангани билан бирга миқдорини ҳам ошди, — дейди И. Асадов. — Бу моддий манфаатдорликка иккинчи таъсир кўрсатмоқда. Ҳар бир ишчи ойига 200—350 сўмдан маош, 180—180 сўмдан муқофот пузи олаяпти.

Арнасой районда ёрдамчи тармоқларни ривожлантириш, етилган муаммоларни ҳал этишга катта эътибор берилаяпти. Аҳли фаронолигини ошириш учун кўпчилик имкониятлардан фойдаланиларди. Маҳаллий саноат қўшничилигида тайёрланаётган қандолатчилик маҳсулотлари умумий оқоватлини, қорхоналари, болалар боғчалари, савдо ноҳобчаларига етказиб бериломоқда. Янгида бу ерда яхши ичимликлар истеҳсол тушинилди. Унда ҳар кунги юз яшикка яқин турли яхши ичимликлар тайёрланади, истеҳсолчиларга жўнатилаяпти. Районда кичик қорхоналар қувватини ошириш, одамларни фойдали меҳнатга жалб қилиш юзасидан иборатли тадбирлар белгилянаяпти. Яқин орада Челябинск машинасозлик заводи билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган консерва дейта куриллади. Шу тариқа яна 200 дан ортиқ кишини иш билан таъминлаш мўлжалланмоқда.

Ш. РАВШАНОВ.



Оқдарё районидagi «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиғининг чорвадорлари эл маъмурчилиғи йўлида астойдил тер тўкишарди. Айниқса, қолхознинг сут-товар фермасида ибратли

ишлар амалга оширилаяпти. Бунда бузоқборлар Баҳром Маҳмудов ва Уктам Давроновлар барча ҳамкасбларига намуна. Улар ўз қарамоғларидаги жониворларни тўлимли озуқалар билан

парвариси қилишарди. Шу тўғрисида бир кунда 750—800 граммга семираётди. СУРАТДА: илғор бузоқборлар Б. Маҳмудов ва У. Давронов. Ҳ. АЛИЕВ олган сурат.



ҚАЙНАРБУЛОҚ

ШАХРИСАБЛИК ФЕРМЕР ЭРГАШ МЕЛИКОВ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Хонадон фермасида ўтган йилда 46 ситиринг ҳар биридан ўрта ҳисобда 3.100 килограммдан, сўт — соғиб олинди. Бу фермер Эргаш Меликов истикомат қиларди. «Узбекистон Компартияси XX съезди» совхоз фермасида еришилётган кўрмасиндан 300 килограмм кўпдир. Янгилик ихлосмандлар гўшт топширишида ҳам қувончли натижаларини қўлга киритишмоқда.

Шахрисабз районидagi Мўминбой канали ёқалаб бораёмиш. Олмон қишлоғи мўйилигида бизни давлат хўжалиғи директори Ҳалол Ҳўзаев қарши олди. У йўл-йўлаб омилиқор, ташаббускор кишилар ҳақида тўқиниб қўйиб қиларди.

— 1989 йил январда матбуотда фермерлик ҳаракати хусусида хикоя қилди, — дейди у. — Кўп қатор ўзим ҳам ангилликка қизиқиб қолдим. Паст Дарғом район меҳнатсеварларининг бу борадаги тажрибаларини ўрганили. Тарғибот-ташвиқот ишларини жонланттирдик. Биринчи бўлиб Эргаш Меликов совхоз билан шартнома тузди. Дастлаб фермерга 60 минг сўм қарз берилди. У бозордан ҳар бири 900 сўмдан 46 та мон ишга тушди. Махсус инвентар меҳр билан парвариси қилинди. Биринчи йиллик хонадон фермаси 46 тонна сўт сотди.

Бозор интисодиёти шароитида ишбилармон ютди. Бунинг қанчалик тўғрилиғини Эргаш ака оиласи мисолида яққол кўрдик. Таъкидлашча, Жиззах вилоятдан яна сантагергуда зотли 20 бош ситир келтирилибди. Уларнинг ўртача вақти 1.800 сўмдан кўри келаяпти. Иш юришарганини сезган хўжалик раҳбарларини моддий ва маънавий яхшидан ёрдамни аямдилар. Хайрли ишга қўл уриб, меҳнатсевар оила кам бўлмади. 1990 йилда 120 тонна сўт ва ҳар бирининг тирик вази вақтича 400 килограммдан 12 бош мол сотишга муваффақ бўдилар. Бугунча топширилган маҳсулот 110 минг сўмин ташкил этди. Шу йилнинг ўзида фермер қаридан тамоман қутулди.

Хонадон фермасида 110 бош қорамол парварисиланаяпти. Шундан 46 таси соғин ситир. Маҳсулдорлик тобора ошиб бораёпти. Ҳар кун Шахрисабз сўт завоидига 420 килограмм сўт жўнатишарди.

— Бу ерда товуқ фермаси жойлашган, — дейди Эргаш Меликов. — Сўнгги вақтларда парралардан камайиб кетди. Совхоз директори янгиликка даъват этди. Иккиламий рози бўлидим. Бинолар зооветеринария талаблари асосида дориланди. Сўнг қайта таъмирланди. Пичан майдалайдиган амалга оширилди. Демак келажак маҳсулдорлик янада юқори бўлади. Кун бўли фермерларнинг шарофли меҳнати, орзу интилоқини билан яқиндан танидик. Совхоз директорининг хайрлашуви олдидан айтган гаплари ҳақонимизни янада оширди: қани энди ҳаётда ҳамма ҳам шундай яшаса, меҳнат қилса.

иши билан машғул. Эргаш аканинг умр йўлоши Ташкент шаҳрида, асосан оилалик қилаяпти. Ўғиллари Яшар, Ҳўсон, Нўмон, Ҳасанбой, набираси Санжар молбоқар, Келинлари Марҳамат, Холбиби ситир соғувчи. Ўтган йил ҳар бирларининг ойлик маошлари 300 сўмдан кам бўлмади. Бу йил 400 сўмдан ошди.

1990 йилда 46 ситирдан 38 та бузоқ олинди. Молларнинг насли ёмон эмас. Амалдаги йилда ҳар гоминдан 3.200 килограммдан, жами 150 тонна сўт олиш режалаштирилган. Сўқимга боқилган молларнинг вази 450 килограммга етказилди. Истеҳсолчиларга 5 тонна гўшт етказиб берилади. Ҳаммаси бўлиб 140 минг сўм даромад қилиш ниятлари бор. Фермерлар қардан қутулган кунига қишлоқда болалар боғчасига 100 килограмм текига сўт беришарди. Янгилик ихлосмандлари ўз ишларини илғорлар тажрибаси асосида ташкил этишарди. Шахрисабздаги зотли молларни урчиштириш станцияси орқали камда 5 минг килограмм маҳсулот берадиган голштинофиз зотли моллар уруғи билан туғилжларини чигитириш амалга оширилди. Демак келажак маҳсулдорлик янада юқори бўлади. Кун бўли фермерларнинг шарофли меҳнати, орзу интилоқини билан яқиндан танидик. Совхоз директорининг хайрлашуви олдидан айтган гаплари ҳақонимизни янада оширди: қани энди ҳаётда ҳамма ҳам шундай яшаса, меҳнат қилса.

И. МАНСУРОВ.

Сариосё паррандачилик қорхонасининг илғор ишчилари Гулнора Мардонова ва Насиба Рустамовалар бошқа ҳамкасбларига ўрнак бўлишарди. Улар унумли меҳнат қилиб, кўплаб сифатли тухум етказишарди. СУРАТДА: илғор паррандабоқарлар Г. Мардонова ва Н. Рустамова. Е. БОТИРОВ олган сурат.

БЕДА
ЎРИМИ
ҚИЗГИН

Денов районидagi «Хазарбоғ» давлат хўжалиғида жамоат чорваси учун мўл-кўл озуқа жамғариш мақсадида 1.052 гектар майдонга озуқабоп экинлар экилган эди. Шундан 720 гектарини беда, 292 гектарини бўғдой, 40 гектарини арпа ва бошқа экинлар ташкил этади.

— Беда ўримида узоққўлик билан киришди, — дейди хўжалик бош зироатчиси Қ. Ражабов. — Меҳанизаторлар А. Исоев, Д. Маматов, Н. Эшонқуллов, О. Кенжаев баранали меҳнат қилишарди. Уларнинг ҳар бири агрегати ёрдамида кунига 10—12 гектар майдондаги бедани ўришарди. Ўриб олинаётган беданинг асосий қисми махсус моламалар ёрдамида омборларга гарамланаяпти.

Т. ШАРИПОВ.

ТАЛАБ БОБО
НИЯТИ

Талаб бобо Фаттоев 72 ёшда. Катта рўзгор бошлиғи. Оиласида 24 нафар жон яшайди. Талаб бобонинг фарзандлари ҳам ўзига торғачи, содда, меҳнатшох, бир-бирларига меҳр-оқибатли.

Талаб бобо кекайиб қолганга қарамасдан эзгу ишга қўл уриди. Оила аъзолари билан фермер хўжалиғи ташкил этди.

«Москва» жамоа хўжалиғи ва Зандан қишлоқ Совети раҳбарлари отахоннинг ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Бу савоб ишга бажонидил ёрдам кўрсатиш истагини айтиди.

Шу тариқа Талаб бобонинг эзгу тилаги рўбга кўчаболоди. Янги фермер хўжалиғининг 1989 йилдаги ютуқлари қувонари бўлди. 18 тонна сўт етиштирилди. Холбуки, режа 10 тонна эди. Бу усул афзалликлари яққол сезилди. Маҳсулот етиштириш кўпайди. 1990 йил давлатга 26,5 тонна сўт, бир тонна гўшт сотилди.

Т. Фаттоев шахсий фермасида 31 бош қорамол боқилмоқда. Шундан 10 боши соғин ситирлардир. Моллар зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини оширишга бўлган эътибор тобора кучайтирилмоқда. Барча ички имкониятлар ҳам шу мақсад сари йўналтириларди.

— Ем-хашак танқислигидан бироз қийналяпимиз. Агар озуқа етарли бўлиб йўналтириларди.

Бу эзгу ният йўлида барча баробар тер тўқмоқда. Олимжон, Собиржон, Албара, Шоҳида ва Ойна Талаб бобонинг энг яқин кўмакдошлари ҳисобланади. Пешку районидagi «Москва» жамоа хўжалиғида Т. Фаттоев сингари фермерлар сифи йил сайин кенгайиб борамоқда.

С. ҚОДИРОВ.

САКСОН БЕШИНЧИ БАҲОР

Айтишларича, аёлининг кўринишига қараб, унинг ёшнани белгилашди. СССР халқ артисти Тамира Артемова Петросян, жаҳонга Тамирахоним номи билан машҳур бўлган санъаткор ўз ёшнани яширмайди. У умрини саксон бешинчи баҳорини кутиб олди. СССР халқлари дўстлиги саройида ўтказилган тантанали кеча аjoyиб санъаткорни шарофатига бағишланганди.

Тамирахоним бутун ҳаёти мобайнида нималарга қизиб қолган. «Шарқнинг ик қалдиричи», «Шарқ рақс санъатининг дурдонаси», «Саҳнаимизнинг сехрари», «Рақс қиролчаси» каби ўхшатишлар фикримизга мисол бўла олади. Бу ўхшатишларнинг ҳаммаси санъаткор истеъодининг қирралари, маҳоратини ўзи билан даржада ифодаляпти. Асли арман қизи, тугилиши биланқўзбек халқи тили, аёналарни ва маданиятини қонига сингирдиган бу аjoyиб аёлининг номини бутун жаҳон билди. Унинг қўшиқлари барча қишлоқларнинг эстрада саҳналарига инграган. Унинг аjoyиб рақсларига миллион-миллион томошабинлар мафтун бўлишган.

Тамирахоним 1925 йилда бутун Париж мафтун этиб, ўзбек рақс санъатини дунёга танитди. Айседора Дункан, Антонина Нежданова, Владимир Малковский, Константин Станиславский, Владимир Немрович, Данченко, Сергей Рахманинов, Федор Шаляпин, Алексей Толстой, Юрий Олеша, Рая Капуля, Чарли Чаплин, Ольга Биплер-Чехова, Арам Хачатурян, Дмитрий Шостакович каби аллоамалар унинг рақсларини кўриб хайратга тушибди. Санъаткор Фаргона қанага қўрилайётган йилларда ўз рақслари билан курувчиларни илҳомланттирди. Оғир уруш йилларида фронт агитбригадаларига қўшилиб жангоҳларга борди, ўзининг ҳаётбахш санъати билан жангчиларнинг руҳини кўтарди. Тамирахоним ҳар қандай фильмда унинг иккинчи таржиман ҳоли саҳифалари акс этган. Тантанали кеча ҳам фильмдаги ҳужжатли воқеалар билан бошланди.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов аjoyиб артистнинг санъатига юқори баҳо берди. Унинг Тамирахонимга йўллаган табриқномасини жумҳурият маданияти вазири Н. Е. Ғойибов ўқиб берди.

Саройга йиғилган қўпданқўл меҳмонлар орасида Ўзбекистон Вазирилар маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Исупов, маданият ва санъат арбоблари, Тошкент жамоатчилигининг вакиллари, санъаткорнинг қарин-

дoш-уруғлари ва ёр-биродарлари бор эди. Тамирахоним саҳна чеккасидagi ўриндиқда оппоқлибга бурканиб, байрам табриқларидан бироз тортишиб, камтарона ўтирарди. Уни гулларга қўйиб ташлашди, санъаткор миннатдорчилик билдириш учун энгилганига таъзим қилиб, қўлини кўксига қўйишгагина улгурарди. Рақс ва қўшиқлар гулдастаси совға концертнинг асосини ташкил этди. «Баҳор», «Шодлик», «Лағз», «Зарафшон» каби доғ таратган жамоалар рақоса севган ва яхши қўшиқ ва ўйинларни икром этишди. Ўзбекистон филармониясининг етакчи хонадалари унга муносиб табриқлар йўллашди. Тамирахонимнинг ўзи саҳналаштирган рақслар икром этилди.

Москвалик артистка Клара Новикова юбиларга мурожаат этиб, уни артистлар янги авлодининг вакиллари тенглишига ҳаракат қиларди. Саҳнага Зебо Ганева номидаги фронт бригадалари дастаси чиққанида Тамирахоним ўзини тутиб тура олмади — у ҳам дугоналари қўшилиб рақоса тушди, лапарлар айтди.

